

«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ»

**фанидан «Ер-сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш»
мавзусидаги**

Тошкент - 2023

Мавзу: Ер-сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш

- Режа:

- 1. Ер-сув ресурсларининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари, уларнинг майдони таркиби, фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши
- 2. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш тартиби
- 3. Ердан, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, уни ошириш йўллари
- 4. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш бўйича 2017 йилда қуйидаги чора тадбирлар белгиланган:

- Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалик экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда:
- пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш;
- қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, жумладан картошка – 8,1 минг гектар, сабзавот – 27,2 минг гектар, интенсив боғ – 5,9 минг гектар, тоқзор – 2,9 минг гектар, озуқа экинлари – 10,9 минг гектар ва мойли экинлар – 4 минг гектар.
- Замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш орқали интенсив боғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, жумладан:

- 13 минг гектар майдонда янги интенсив боғ ва 7,3 минг гектар токзорлар ташкил қилиш ҳамда 15,4 минг гектар боғ ва 9 минг гектар токзорларни реконструкция қилиш;
- мавжуд паст рентабелли боғ ва токзорларни босқичма-босқич, йилига 10 фоиздан ёки 26,4 минг боғ ва 14,1 минг токзорларни интенсив усулга ўтказиш;
- янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив боғ ва токзорларга босқичма-босқич йилига 5,7 минг гектардан томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш;

«Ер сув ресурсларидан фойдаланиш ва экин майдонлари структураларини ўзгартириш»



Ернинг асосий восита сифатида хусусиятлари

Ер майдонининг чекланганлиги ва такрор ишлаб чиқарилмаслиги

Ернинг табиат маҳсули эканлиги.

Ер - қишлоқ хўжалигининг абадий ишлаб чиқариш воситасидир

Ерни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриш имконияти чекланган.

Ернинг юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлигининг мавжудлиги, яхши қараш натижасида унинг ошиб бориши

Тупроқ унумдорлигининг турлари

- табиий,
- сунъий ва
- иқтисодий унумдорлик.



Республикамизда сув ресурслари манбалари чекланган.

- Уларнинг умумий миқдори 49,4 млрд. м³ атрофида бўлиши мумкин. Шундан 30,6 млрд. м³ ёки 61,9 фоизи йирик дарёларнинг сувидан, 16,5 млрд. м³ республика ҳудудидаги майда дарёларнинг сувларидан, қолган қисми эса ер ости ҳамда коллектор-зовурлардан олинган сувлардан иборат. Мавжуд сув ресурслари ҳозирги ўсиб бораётган талабни тўлиқ қондира олмайди. Шу сув ресурсларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлатилади. Сув ресурслари давлат муҳофазасида, мулкчилик шакллари бўйича тақсимланмаган

Ер, сув фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

- **а) Умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти (фоизи).**
- $EФК = FE/ФМЕ$ ёки $FE/ФМЕ \times 100$:
- Бунда: $EФК$ – умумий ер фондидан фойдаланиш коэффициенти, (фоизи);
- FE –қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ер майдони, га;
- $ФМЕ$ – фойдаланилиши мумкин бўлган ер майдони, га.

- **б) Сувдан фойдаланиш коэффициенти.**
- $СФК = SM/СММ$; ёки $SM/СММ \times 100$;
- Бунда: $СФК$ -сувдан фойдаланиш коэффициенти ёки фоизи;
- SM -ҳақиқатда суғорилган майдон, га;
- $СММ$ -суғорилиши мумкин бўлган майдони,га.

- в) **Фойдаланиш мумкин бўлган ерлардан бир йилда неча марта фойдаланилганлик даражаси.**
- $EFC = UEM / FM$
- Бунда: EFC-ердан фойдаланиш сони, яъни 1 га майдондан неча марта фойдаланилганлик сони;
- UEM- бир йил мобайнида уруғ, чигит экилган майдон, га;
- FM- фойдаланилган ер майдони, га;
- г) **Ер (экин) майдонларининг махсулдорлиги, хосилдорлиги.**

$$EX = YX / EM;$$

Бунда: EX- 1 га экин майдонидан олинган ҳосил миқдори, ц;

YX- экин экилган майдондан олинган ялпи ҳосил миқдори, ц. ёки тоннада;

EM- экин экилган ҳақиқий майдон, га.

$EM = ЯМК/ЭМ : ЯДК/ЭМ : СФ/ЭМ$

Бунда: EM- фойдаланилган ерларнинг маҳсулдорлиги.

ЯМК- олинган ялпи маҳсулот қиймати, сўмда;

ЭМ- экинлар экилган майдон, га;

ЯДК- олинган ялпи даромад суммаси;

СФ- олинган соф фойда суммаси.

д) **Сувдан фойдаланиш самарадорлиги.** Бу кўрсаткич ёрдамида ҳар бир метр куб сув эвазига олинган ялпи маҳсулот миқдори, қиймат, даромад ва соф фойда суммаси қуйидаги тенглик ёрдамида аниқланади:

$СФС = ЯХ/ФСМ : ЯМК/ФСМ : ЯДК/ФСМ : СФ/ФСМ$

Бунда: СФС-сувдан фойдаланиш самарадорлиги;

ФСМ-фойдаланилган сув миқдори. Бу натура ҳамда қиймат кўринишида аниқланади.

е) **Суғориш системаси (тизими)дан фойдаланиш коэффициенти.**

$СТФК = СТОЭБС / СТБОСМ;$

Бунда: СТФК – суғориш системаси (тизим)дан фойдаланиш коэффициенти;

СТОЭБС – суғориш тизимининг охирида экинларга берилган сув миқдори;

СТБОСМ – суғориш тизимининг бошида олинган сув миқдори

Ердан фойдаланиш ислоҳоти натижасида:

- 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтказилди;
- ер участкалари хўжалик юритувчи субъектларга фақат туман ҳокими томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди;
- ер участкалари фермер хўжаликларига ижарага 30 йилдан 50 йилгача берилиши белгилаб қўйилди;

Ерлардан, сувлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун:

- ер-сув ислоҳотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш, уларни фойдаланувчиларга бериш, сотиш;
- захланиб, шўрланган ерларда ирригация ва мелиорация тадбирларини вақтида сифатли амалга ошириш;
- янги, самарали техникаларни, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экишни тиклаш;
- экологияга салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда кимёвий воситалардан оқилона фойдаланиш;
- селекция, уруғчиликни, агротехник тадбирларни сифатли амалга ошириш;
- ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;
- ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш ва эркинлаштириш лозим.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш:

693 км магистрал, туманлараро, хўжаликлараро коллекторларни, 429 км ёпиқ-ётиқ дренаж тизимларини,

5 дона мелиоратив насос станцияларини, 82 дона мелиоратив тик қудуқларни, 98 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш;

500 км каналларни, 74 км суғориш лоток тизимини, 38 дона гидротехник иншоотларни, 12 км босимли сув қувурларини, сиғими 800 млн.м³га тенг бўлган сув омборларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 км қирғоқбўйи минтақасини ҳимоялаш;

142 дона мелиоратив техника ва жиҳозларни сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг орқали етказиш;



Ер мониторинги

- Ер мониторинги республика ер фондидаги барча ўзгаришларни ўз вақтида илмий асосланган ҳолда аниқлаш, ерларга тўлиқ баҳо бериш (сифат ҳамда иқтисодий жиҳатдан), уларга таъсир этувчи салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини изчил тугатиш мақсадида ернинг ҳолатини кузатиб бориш билан боғлиқ бўлган ахборотлар тизимидан иборатдир. Республикамизнинг барча ерлари мониторинг объекти ҳисобланади.
- Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Давлат ер кадастри юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Давлат ер кадастри

- Давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат ер кадастри ва ер тузиш хизмати органлари (Давлат ер қўмитаси) томонидан юритилади.

Ер кадастри қуйидагилардан ташкил топади:

- ердан фойдаланувчилар;
- ер майдони, унинг таркиби, сифати;
- ерни иқтисодий баҳолаш.

Сифати турлича бўлган ерлар бўйича 1 га суғориладиган ҳайдов ердан олинадиган фойданинг ҳисоблаб чиқилган миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_{np} = \frac{\frac{N_{пск1} \times P_{к1}}{100} \times R_{п1} + \dots + \frac{N_{пскn} \times P_{кn}}{100} \times R_{пn}}{P_{к1} + \dots + P_{кn}}, \text{ бунда:}$$

- R_{np} — 1 га суғориладиган ҳайдов ердан олинадиган ҳисоблаб чиқиладиган фойда, минг сўм;
- $N_{пск1}$ - $N_{пскn}$ — қишлоқ хўжалиги экинларининг норматив унумдорлиги, минг сўм/га;
- $P_{к1}$ - $P_{кn}$ — экин майдонлари, га
- $R_{п1}$ - $R_{пn}$ — тупроқ сифати турлича бўлган ерларда турли хил экинлардан олинадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фойдасининг ҳисоблаб чиқилган миқдори, фоизларда.

- 1 га суғориладиган ҳайдов ернинг норматив қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_n = \frac{P_{пр} \times K_1 \times K_2 \times K_3}{P} \times 100, \text{ бунда:}$$

- C_n — суғориладиган ҳайдов ернинг норматив қиймати, минг сўм/га;
- $P_{пр}$ — суғориладиган ҳайдов ердан олинadиган ҳисоблаб чиқилган фойда, минг сўм/га;
- P — ҳисоблаб чиқилadиган фойданинг капиталлашуви фоизи;
- K_1 — хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсивлиги даражаси ҳисобга олинadиган минтақавий коэффициент;
- K_2 — суғориш учун сув чиқариш усули ҳисобга олинadиган коэффициент;
- K_3 — ҳосилнинг нобуд бўлиш фоизи ҳисобга олинadиган коэффициент.

Эътиборларингиз учун раҳмат!